

**Уй-жой харид қилишга кредит ажратиш
№ ??creditnumber?? рақамли ШАРТНОМАСИ**

№??creditnumber?? шаҳар

№??creditnumber??

Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" АТБ (бундан буён матнларда "Банк" деб номланади) номидан "___" _____ 20__ йилдаги № _____-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг №??creditnumber?? филиали бошқарувчиси №??creditnumber?? бир тарафдан ва (бундан буён матнда «Қарздор» деб юритилувчи) №??creditnumber?? уйда яшовчи фуқаро №??creditnumber?? (паспорт маълумотлари: Серия: №??creditnumber?? №??creditnumber??, №??creditnumber?? йил, №??creditnumber?? дан берилган) иккинчи тарафдан, (бундан буён матнда «Биргаликда кредит олувчи» деб юритилувчи) _____ уйда яшовчи фуқаро _____ (паспорт маълумотлари : Серия: _____ № _____, _____ йил, _____ дан берилган) учинчи тарафдан, ушбу шартномани (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1.АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:

1.1.Ипотека кредити – яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирالي уйдаги квартирани сотиб олиш ёки қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига амал қилган ҳолда яқка тартибда уй-жойни реконструкция қилиш учун ажратиладиган узок муддатли кредит;

1.2.Қарз олувчи – ипотека кредити олувчи ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини қабул қиладиган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахс;

1.3.Қурувчи/Сотувчи - қурилган, реконструкция қилинган тайёр уй-жойни бирламчи бозорда ва тайёр уй-жойни иккиламчи бозорда сотиш учун таклиф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

1.4.Кредит шартномаси – Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган, уй-жой сотиб олиш учун кредит объектини гарови асосида кредит бериш тўғрисидаги шартнома;

1.4. Биргаликда кредит олувчилар – кредит олувчи билан шаҳар (туман) ИИБдан қайддан ўтказилган яшаш манзилида(паспорт бўйича) умумий рўзғор асосида бирга яшайдиган, кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларида иштирок этувчи ва уни қайтаришда биргаликда (солидар) жавобгар бўладиган унинг яқин оила аъзолари (эри, хотини, ота-онаси, болалари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари, боболари, бувилари, неваралари).

1.5. Кредитни қайтариш жадвали - кредит шартномасига илова қилинган, кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, банк ва қарз олувчи томонидан имзоланган кредитнинг барча келгуси тўловлари жадвал шаклида кўрсатиладиган ҳужжат.

2.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

2.1.Банк ушбу шартноманинг қуйида кўрсатилган шартлар асосида Қарз олувчига _____ манзилдаги ҳовли-жой (кўп квартирالي уй), умумий майдони _____

кв.метр бўлган _____ хонадан иборат уй-жой (квартира)ни _____

(уй эгасининг ф.и.о)

дан _____

асосан

(олди сотди шартномаси)

сотиб олинди учун **??creditnumber??** (**??creditnumber??**)сўм

(сумма рақам ва сўз билан ёзилади)

миқдорида кредит ажратишни ўз зиммасига олади.

2.2.Банк мижозга уй-жой (квартира) харид қилиш учун **??creditnumber??** дан, **??creditnumber??** гача, яъни **??creditnumber??** (**??creditnumber??**) ой муддатга, йиллик **??creditnumber??**% устама билан кредит ажратади.

2.3.Кредит ажратиш учун Банк Қарз олувчига 14901 кредит ҳисобрақами очади.

2.4. Илгари олинган кредитлар бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш таъқиқланади.

3. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Қарздор/биргаликда кредит олувчининг мажбуриятлари:

3.1.1 Кредит қарздорликни қайтариш шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловада келтирилган қайтариш жадвали (**1-илова**) асосида амалга оширади.

3.1.2 Харид қилинаётган уй -жойни умумий нархининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тўлов усуллари орқали 25 % дан кам бўлмаган қисмида бошланғич бадал тўлови банк филиалига топшириш.

3.1.3 Кредитдан ушбу шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган мақсадда фойдаланиш.

3.1.4 Ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда ва мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида 10 кун ичида Банкка хабар бериш.

3.1.5 Сотиб олинаётган, реконструкция қилинаётган уй-жойни Банкка гаровга қўйиш. Гаровга қўйиладиган уй жойни 3(уч) банк иш куни мобайнида суғурталаш, қарздорнинг ҳаётини суғурталаш ва гаров шартномасини нотариал тасдиқлаш. Суғурта ва нотариус хизмати билан боғлиқ барча ҳаражатлар Қарз олувчи ҳисобидан амалга оширилади. Суғурталаш кредитнинг тўлиқ муддатига қадар қилинади.

3.1.6 Олинган кредитни ва унга ҳисобланган устама фоизларни кўрсатилган муддатларда белгиланган тартибда тўлаб боради.

3.1.7 Кредит ажратилган кундан бошлаб йиллик **??creditnumber??** % устама ҳисобидан кредитга ҳисобланган фоизларни кредит ва унинг фоизларини қайтариш жадвалига асосан тўлаб боради.

3.1.8 Қарз олувчи кредит ҳисобидан харид қилинган уй- жойни бут ҳолда сақланишини таъминлайди. Уй жойнинг бутлиги сақланмаганлиги аниқанганида ёки уй -жойга қасддан шикаст етказилган тақдирда, етказилган зарар миқдорини ўз ҳисобидан ёки гаровга қўйилган мулк ҳисобидан тўлайди.

3.1.9 Кредит ҳисобига харид қилинган уй -жой қарз олувчи тарафидан қарз олувчи ва унинг оила аъзолари яшаши учун фойдаланилиши лозим. Сотиб олинган уй-жойни ижарага бериш фақат Банк розилиги билан амалга оширилиши шарт.

3.1.10 Қарз олувчи банкка кредитдан мақсадли фойдаланилганини тасдиқловчи ҳужжатларни, уй- жойни Қарз олувчига тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси)ни назорат учун тақдим этади.

3.1.11 Мониторинг, жойига чиқиб ишни ўрганиш ишлари ёзма равишда расмийлаштириб олиб борилади. Қарз олувчи кредит шартномаси ва гаров шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсир кўрсатадиган, оила ҳолати ўзгарганлиги, иш жойини алмаштирганлиги, даромадлари ўзгарганлиги (шу жумладан, алоқадор қарз олувчиларники) ва бошқа маълумотларни ёки ҳолатларни ўз вақтида тақдим этиб бориши лозим. Кредит шартномасида белгиланган муддатларда қарз олувчи Банкка ўзининг молиявий ҳолати ҳақида янгиланган маълумотларни тақдим этишга мажбур.

3.1.12 Кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланганида, мақсадсиз фойдаланилган кредит миқдорининг ___% ҳисобида банкка жарима тўлаш билан бирга мақсадсиз ишлатилган кредит маблағини Банкка кайтаради.

3.1.13 Шартнома шартларидан бири бажарилмаганлиги ва ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги оқибатида битим бузилган ҳолда ипотека кредитидан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар, кредит маблағларини аккредитив ҳисобварақка ўтказиш пайтидан бошлаб битим бузилган пайтга қадар қарз олувчидан ундирилади. Кредит маблағларини аккредитив ҳисобварақдан кайтариш бўйича тескари бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади ва ҳисобланган фоизлари қарз олувчи бошланғич бадали ҳисобидан копланеди.

3.1.14 Кредит шартномаси имзолангандан кейин қарз олувчи тарафидан мажбурий равишда тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

- ипотека (гаров) шартномасининг асл нусхаси, давлат рўйхатидан ўтганлик белгиси билан;
- банк кредити ҳисобидан сотиб олинган яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уй-жойдан квартирани олди-сотди шартномасининг асл нусхаси, Ергеодезкадастр давлат кўмитаси офиси тарафидан рўйхатга олинган;
- Уй-жойга бўлган мулкчилик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома;
- Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи гувоҳнома (яқка тартибдаги уй-жой сотиб олинганда);
- Суғурта тўловини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда гаровга кўйилган кўчмас мулк қийматини қисман ёки тўлиқ йўқотиш ҳолатидан ипотека предметини суғурта қилинганлигини тасдиқловчи суғурта полиси ва суғурта шартномаси.

3.1.15 Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар тўловини қарз олувчи пластик карточкасидан автомат ушлаб қолиниши учун банкнинг автотўлов хизматига уланишига ва бу бўйича телефон рақамига SMS хабар жўнатилишига

а) Қарши эмасман [] _____ Қаршиман [] _____

Тўлов графиги бўйича тўлов кунидан 1(бир) кун олдин кредит тўлови ҳақида огоҳлантирувчи SMS хабар жўнатилишига

а) Қарши эмасман [] _____ Қаршиман [] _____

б) SMS хабар юбориш учун тақдим этилган мобил телефон рақами ўзгарганда ушбу ўзгариш ҳақида банкни хабардор қилиш ва янги мобил телефон рақамини банкка тақдим этиш.

в) Қарз олувчи мобил телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаганлиги сабабли келиб чиқадиган яъни, SMS хабар банкка берилган дастлабки телефон рақамидан янги фойдаланувчига юборилганлиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар учун қарз олувчининг ўзи жавобгар.

3.2. Банк мажбуриятлари

3.2.1. Қарз олувчи тарафидан ушбу шартноманинг 3.1.14 бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, 3 банк иш кунидан кечиктирмай Кредит шартномасида кўрсатилган кредит суммасини ажратиш.

3.2.2. Банк ушбу шартномага ўзгариш киритиши мумкин бўлган барча янги меъёрий ҳужжатлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар билан қарз олувчини ҳабардор қилиб боради.

3.2.3. Ўн иш куни ичида қарздор томонидан берилган ариза ва қарздорга кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича қарздор томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш.

3.2.4. Ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги оқибатида, шу жумладан қарздорга нисбатан мажбуриятларни бузганлиги учун қўлланиладиган неустойка (жарима, пеня) ва уларнинг натижасида қарздорнинг харажатлари суммаси ошиши эҳтимоли мавжудлиги ҳақида огохлантиралади.

3.2.5. Гаров предмети сифатида қўйилган бирдан-бир турар жой фақат суд тартибида ундирилиши мумкинлиги ва у оммавий савдолар орқали реализация қилишини (қонун ҳужжатларида назардан тутилган ҳоллар бундан мустасно) истеъмолчига маълум қилиш.

3.2.6. Қарздор кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, банк тегишли кредит шартномасида назарда тутилган усулда низо судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга етказди.

3.2.7. Кредит шартномаси бўйича қарздорни муддати ўтказиб юборилган қарздорликларни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида ҳабардор қилиши, қарздордан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш.

3.2.8. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, Кредитор Қарз олувчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календар куни давомида Қарз олувчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, Қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида (тақдим этилган сўндириш жадвалидан келиб чиққан ҳолда) ҳабар беради.

3.2.9. Банк қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламайди.

3.2.10. Банк қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

- гаровда турган мулкни тақиқдан чиқариш;
- гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўради.

3.2.11. Банк қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма ҳабарнома юборади.

3.2.12. Қарз олувчи томонидан кредити бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, банк мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган

охирги тўлов санасидан кейин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай қарз олувчига кредит бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганлиги ва ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма хабар беради.

3.2.13. Агар, кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан кредит реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши (қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредитининг асосий қарзини сундиришга йўналтиради) муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштиради, ва қарз олувчига тақдим қилади. Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

4. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ.

4.1. Қарздор/ биргаликда кредит олувчининг ҳуқуқлари:

4.1.1. Қарз олувчи ушбу кредит шартномасига таалуқли бўлган барча масалалар бўйича Банкдан маслаҳат олади ва шартномага ўзгариш кириши мумкин бўлган барча ҳуқуқий ўзгаришлар бўйича ўз вақтида хабардор бўлади.

4.1.2. Қарз олувчи кредитни муддатидан олдин сўндириши мумкин.

4.1.3. Қарздор фойдаланилмаган кредитдан воз кечиш ҳақида кредит берган ташкилотни шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичида ёзма равишда хабардор этиш орқали мазкур кредитдан воз кечишга ҳақли.

4.1.4. Қарз олувчи тарафидан кредитни қайтариш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинadиган даромадлар ва бошқа қонун билан таъқиқланмаган манбалар ҳисобидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш;

б) нақд пул топшириш;

в) қарз олувчи ва унинг яқин қариндошларининг банкдаги омонатлар бўйича ҳисоб рақамидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш.

4.1.5. Қарздор кредит учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

4.1.6. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури (ўзгармас ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси) ҳамда кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (дифференциал ёки аннуитет усулида) ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

4.2. Банк ҳуқуқлари

4.2.1 Қарз олувчи тарафидан Банк олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида амалга ошириш имконияти бўлмаса, Қарз олувчи кредит ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови мажбуриятларини 90 кун мобайнида бажармаса, гаровга олинган мулкни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 280-моддасига асосан Банк Қарз олувчи розилигисиз сотишга, шунингдек, нотариал идораларнинг ижро хатига асосан ҳам гаровга қўйилган мулкларни биржада сотиш орқали қарзни ундиришга ҳақли.

4.2.2 Қарз олувчи мулк гарови бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини қандай бажараётганини назорат қилиб туриш.

4.2.3 Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашган тақдирда берилган кредит маблағини муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

4.2.4 Банк Қарз олувчи тарафидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаса куйидаги ҳуқуқларга эга:

-берилган кредит белгиланган мақсадларда ишлатилмаса, Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашса ва шартномада кузда тутилган бошқа шартлар бузилса берилган кредит маблағини олдиндан ундириб олиш;

-кредит ва кредит фоизи тўловлари шартномада белгиланган муддатдан 90 кун кечиктирилса кредит шартномани суд орқали бекор қилиш ва ҳисобланган фоиз ҳамда берилган кредит маблағини кредит таъминоти ҳисобидан олдиндан ундириш;

4.2.5 Қарз олувчи тарафидан кредит мақсадли ишлатилмаса, Қарз олувчи тарафидан шартномада белгиланган муддатларда уй-жой сотиб олинмаса, сурункали равишда кредит ва фоиз тўловлари амалга оширилмаса ва қарз олувчини тўлов қобилияти йўқлиги аниқланса, гаров ҳисобидан қарзни олдиндан сўндириш чоралари кўриш.

4.2.6 Кредитнинг бошқа мақсадлар учун фойдаланилган қисми учун кредит шартномасида белгиланган миқдорда жарима солиш ва уни ундириб олиш чораларини кўриш.

4.2.7 Даъво ишлари банкнинг кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб этиши, куйида кўрсатилган ҳолатларнинг бири ва ундан ортиги юз берганда таъминот (гаров, кафиллик) предметиға ундирувни қаратиш мумкин:

- асосий суммани қайтариш бўйича ҳар ойлик тўловларнинг ва у бўйича ҳисобланган фоизларнинг 90 календар кунидан ортиқ муддатда тўлов муддати ўтганининг мавжудлиги;

- кредит шартномаси, гаров шартномаси шартларини бузиш;

- гаровга қўйилган мулкни фойдаланиш, сақлаш ёки таъмирлаш коидаларини ҳамда ушбу мулкни сақлаш бўйича чоралар мажбуриятларини бузиш;

- кредит асосий суммасини қайтариш бўйича бир марталик ойлик ва ҳисобланган фоиз тўлови 12 ой давомида 3 мартадан ортиқ кечиктирилганда, хатто кечиктириш муддати ва суммаси аҳамиятга молик бўлмаган ҳолда ҳам

Юқоридаги ҳолатлар юзага келганда Банк ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ҳақида Қарздорни камида 5 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

5. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ:

5.1. Тарафлар ушбу шартнома шартларини бажармасалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва мавжуд қонунлар асосида жавобгарликка тортилиши мумкин.

5.2. Гаровга қўйилган мулк қарздорнинг ғайриқонуний қилмишлари оқибатида хатланса қарздор Банкни 3 кун мобайнида хабардор қилади. қарздор ўз вақтида Банкни ушбу ҳолат бўйича хабардор қилмаса Банк олдидаги мажбуриятлардан озод этилмайди. Банк Қарз олувчининг жиноий (ғайриқонуний) ҳаракатлари бўйича жавобгар эмас.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ:

6.1.Шартнома тарафлар имзолаганидан сўнг қарздор тарафидан гаров шартнома имзоланиб бадал тўлангач кучга кирази ва кредит, ҳисобланган устамалар ва жарималар тўлиқ тўлангунга қадар амал қилади.

6.2.Банк кредит комиссиясининг кредит бериш мумкинлиги тўғрисидаги ижобий қарори тегишли сабабларга кўра берилмаган тақдирда ушбу шартнома ўз кучини йўқотади ва Қарз олувчига банк тарафидан кредит берилмайди. Кредит берилмаслик сабаблари Қарз олувчига унинг биринчи талабига кўра банк тарафидан ёзма равишда берилади. Бунда Банк Қарз олувчининг кредит ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлари учун жавобгар бўлмайди.

7. ШАРТНОМА НАРХИ

7.1.Тарафлар шартнома нархини **??creditnumber??** сўм белгиладилар.

7.2 Кредит қарзи Қарз олувчи тарафидан белгиланган муддатда тўланмаган ҳамда улар юзасидан муддати ўтган қарзлар юзага келган ҳолларда Қарз олувчи тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтган қарзга нисбатан Банкка **??creditnumber??** % миқдориди жарима (пеня) тўлайди. Ҳисобланган кредит фоизи белгиланган муддатда тўланмаган ва муддати ўтган қарз юзага келган ҳолларда Қарз олувчи тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтган қарзга нисбатан Банкка **??creditnumber??** % миқдориди жарима (пеня) тўлайди.

7.3 Фоиз, пеня ва жарималар кредит шартномаси йиллик суммасининг ярмидан ошмаслиги шарт.

7.4 Кредитга ҳисобланган устама фоизлар ва қайтариш жадвалида кўрсатиб ўтилган кредитнинг қисман қайтариш тўловлари ҳар ойнинг **??creditnumber??** санасигача амалга оширилади. Ушбу санада тўлов жадвали бўйича кредит асосий қисмидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса, 16309 баланс ҳисобварағида ҳисобланган фоизлар, ўз вақтида тўланмаган фоизлар, деб тан олинади ҳамда муддати ўтган фоизлар 16377 баланс ҳисобварағига олиб ўтилади.

7.5. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдиғига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисобланади. Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади, агар кредит шартномасида кредит тўловларини тўлаш даврида имтиёзли давр кўзда тутилган бўлса, унда имтиёзли даврнинг бошланиш куни кредит берилган санадан ҳисобланади.

8. МАХФИЙЛИК

8.1.Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

8.2.Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сирини ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

8.3.Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

8.4.Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

9. ФОРС-МАЖОР

9.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учунчи шахслар тарафидан қилинган хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

9.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

9.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

9.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

10. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартномага ўзгартиришлар тарафларнинг ёзма келишувларига асосан амалга оширилади.

10.2. Қарз олувчи Банк олдидаги барча мажбуриятларни бажарган тақдирда, Банк нотариусга ва бошқа органларга гаров мулкига солинган тақиқни бекор қилиш учун ёзма хабар беради.

11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ.

11.1. Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.

11.2. Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.

11.3. Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

11.4. Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

11.5. Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилиланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

12. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

12.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

12.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

12.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ

<p style="text-align: center;">БАНК</p> <p>Манзил: ??creditnumber??</p> <p>МФО: ??creditnumber?? х/р: ??creditnumber??</p> <p>Бошқарувчи: ??creditnumber?? _____ (ФИШ) (имзо)</p> <p>www.hamkorbank.uz Тел: 0-800-1-200-200 contact@hamkorbank.uz</p> <p style="text-align: center;">М.У ??creditnumber??</p>	<p style="text-align: center;">ҚАРЗДОР</p> <p>Манзил: ??creditnumber??</p> <p>Паспорт маълумотлари: Серия ??creditnumber?? № ??creditnumber??</p> <p>Ким томонидан берилган: ??creditnumber??</p> <p>Қачон берилган: ??creditnumber??</p> <p>Фуқаро: ??creditnumber?? _____ (имзо)</p> <p>Email: _____ Тел: _____</p> <p style="text-align: center;">??creditnumber??</p>
	<p style="text-align: center;">БИРГАЛИҚДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ</p> <p>Манзил: _____</p> <p>Паспорт маълумотлари: Серия _____ № _____</p> <p>Ким томонидан берилган: _____</p> <p>Қачон берилган: _____</p> <p>Фуқаро: _____ _____ (имзо)</p>

"Hamkorbank" АТБ _____ филиал/бўлинма билан фуқаро _____
 ўртасида "_____" _____ 201_ йил кунги имзоланган № _____ - сонли кредит шартномасига

Муддатли мажбуриятнома

(тўлов _____ оддий ва аннуитетни танлаш керак _____ графиги)

"Hamkorbank" АТБ _____ филиал/бўлинмага қуйидаги жадвалга асосан _____
 сотиб олиш учун олинган _____ (_____ сўмма суз билан _____) сўм кредит
 тани ва унга ҳисобланган фоизини қуйидаги муддатларда тўлиқ қайтариш мажбуриятини оламан:

№	Тўлов в куни	Муддат и ўтадига н кун	Асосий қарз тўлов суммас и	Хисобланган н фоизнинг қайтарилиш суммаси	Жами тўлов	Сундирилгунга ча кредит қолдиғи суммаси	Сундирилган дан кейинги кредит қолдиғи суммаси
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
11							
12							
13							
14							
15							
16							
17							
18							
19							
20							
.							
..							
...							
....							
Итого:							

Кредит тўловларини муддатли мажбуриятномада кўрсатилган муддатда кредит шартноманинг
 3.1.15 бандига асосан ундириб олишингизни сўрайман.

Филиал/бўлинма бошлиғи

 (ФИШ)
 _____ имзо

Мижоз номи

 (ФИШ)
 _____ имзо
 инфокиоскадан кредит
 тўловини амалга ошириш учун
 ID:
 Парол: